



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 46 (20. 313)

1989 йил 24 февраль, жума

Баҳоси 3 тийин.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

«Кўчат экиб, боғ қилайлик». Москва районидagi «Октябрь» колхоз деҳқонларининг шiori ана шундай. Улар бу йил пахта экиладиган майдоннинг 3 гектарини ажратиб олиб мевали дархат кўчатларини экишга қарор қилишди. Шу маънада 12 минг тулпа шифти ва гилос кўчатлари сотиб олинди. Ҳозир кўчат экишга тайёргарлик қўриляпти.

Ғ. ПАРПИЕВ.

Олтириқ районидagi «Пахтакор» совхозда кўклагми дала ишларига пухта тарадуд қўриляпти. 31 та чигит экиш сейласи, 36 та чопик трактори, 31 та культиватор ва бошқа техник воситалари шайлаб қўйилди. Созловчидан — О. Розиков, И. Ахоров, М. Отабевлар бу ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишди.

Ҳўжаликда ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит тўплаш сингари мавсумда ишлар қизғин бораётди.

А. НУРМАТОВ.

26 март—
СССР халқ
депутатлари
сайлови куни

НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Округ сайлов комиссиялари қуйидагиларни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олдилар:

102-Қарши миллий-территориал сайлов округидан — Омонов Тўқтин, 1947 йилда туғилган, «Шуртангаз» газ қазиб олиш бошқармасининг бошлиғи; Ҳакимов Межли Саидович, 1941 йилда туғилган, «Қаршипроммилстрой» трестига қарашли 4-механизацияланган кўма колонна комплекс бригадасининг бригадир;

586-Булунгур территориал сайлов округидан — Салимов Мамаюсов Раҳмонкулович, 1949 йилда туғилган, Булунгур район марказий касалонасининг бош врач; Қўямов Тошминор Исакович, 1958 йилда туғилган, Иштикон районидagi 33-мактаб ўқитувчиси;

110-Самарқанд миллий-территориал сайлов округидан — Екубов Носиржон Норозич, 1943 йилда туғилган, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари; Чиев Виктор Анатольевич, 1945 йилда туғилган, «Электробитмаш» ишлаб чиқарув бirlашмасининг директори;

119-Ўқма миллий-территориал сайлов округидан — Собиров Абдураҳмон Ганиевич, 1945 йилда туғилган, Бекобод район марказий касалонасининг бўлим муддир; Голчинов Владимир Константинович, 1948 йилда туғилган, Олмалик кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг қуловчилар бригадаси бошлиғи;

594-Жиззах территориал сайлов округидан — Раҳмонкулова Тўла, 1939 йилда туғилган, А. Навоий номи колхоз бригадир; Дадажонов Тўлан, 1940 йилда туғилган, Дўстлик районидagi Ленин номи совхоз бригадир;

562-Мўйноқ миллий-территориал сайлов округидан — Иброҳимов Мирзаолӣ, 1928 йилда туғилган, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридagi доимий вакили.

САМАРАЛИ ХЎЖАЛИК ЮРИТИБ, ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

М. С. Горбачевнинг Украинада бўлиши

ДОНЕЦ, 22 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари). Мамлакат харитасида Донецк областининг территорияси қўл қисиб кўришиш учун узатишган кафтнинг эслатилади. Индустриал ўлка, Украина шахтёрлари пойтахти меҳнатқашларининг бақувват қадоқ қўллари, куч ва ғайрати қайта қуриш ишига хизмат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев республика бўйлаб сафарни давом эттириб, бугун область марказига келди.

Донбасснинг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўлиб, тобора кўпайиб бормоқда. Мамлакатда қазиб чиқарилаётган ҳар сақина тонна кўмирнинг бир тоннаси шу ерда қазиб олиноқда, ҳар етти тонна пулатнинг бир тоннаси, ҳар олти тонна прокатнинг бир тоннаси, ҳар ўн тонна пулат қўрининг бир тоннасига мана шундай ердаги фақат СССРдагина эмас, ундан анча олисларда ҳам машҳур бўлган корхоналарнинг тамғаси босилмоқда. Қудратли илмий потенциалга, машинасозликнинг ривожланган базасига эга бўлган область кон машиналари комплексини, металлургия ва кокс химияси ускуналари, замонавий бошқа техникани яратилиши ўз зиммасига олган.

Донбасс меҳнатчилари амалда тулпа ишлаодини кенг қўлдан дадил рўбга чиқармоқдалар, хўжалик ҳисоби,

ижара, пудратни жорий етмоқдалар. Экономикани социал соҳага қаратиш суръатлари юксалигининг сабаби ҳам шунда: уй-жой нурилиши ҳаёми ошмоқда, унинг техник базаси мустаҳкамланмоқда. Маҳаллий ресурслар ҳисобига одамларни сабзавот, мева, бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш йўлга қўйилмоқда, область корхоналари халқ истеъмол молларини олдинга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқара бошлади.

Аэропортдан шаҳар марказига борадиган йўлда пармалаш қурилмалари қўриб турибди. Бу — бугунги куннинг белгисидир, Донецьда булажак Донецк метрополитен трассасида геология-қидирув ишлари авж олдириб юборилди.

М. С. Горбачевнинг Донбасс пойтахти меҳнатчилари билан дастлабки учрашуви шахарнинг бош магистрли — Артём номи кўчада бўлиб ўтди. В. И. Ленин номи билан аталган майдонда М. С. Горбачев партиямиз ва Совет давлати асосини ҳайкал пойига гуллар қўйди. Ҳайкал пойига Р. М. Горбачева ҳам гуллар қўйди. Шу жойнинг ўзидай кизгин суҳбат бошланди. Бу суҳбатда шахтёрлар ва студентлар, уй бекалари, машинасозлар, меҳнат ветеранлари қатнашди.

Донецк областини яхши биламан, дейди Михаил Сергеевич. Донецк ҳамини гуллари, ям-яшиллик билан менга ёқарди. Сизларда ёз



«Донецгормаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат аҳли М. С. Горбачевни кизгин кутиб олди. Суратда: завод ишчилари билан суҳбат пайти.

(ТАСС телефотоси).

осиқ бўлиши, ҳамма нарса тез кўйиб кетишига қарамай, шахардаги гуллар, дархатлар яшнаб туриши жуда аяқойиб. Сизларнинг Донецк шахрини — тулхонанинг ўзи. Хўш шахарда сув етарлими?

Овошлар: Гуллар учун етарли... М. С. Горбачев: Уларда, юқори қаватларда? Донецьқа сув келтириш учун канал қурилайми?

Михаил Сергеевич. Менга шахтёрлар ёқарди. Восит, кўнгли очки, туғирини гапирди-ган эдингиз. Сизлар қандай яшасизлар? Сўнгги марта бу ерга деярли йигирма йил

олдин келган эдим... Ҳозир сабзавот борми?

Овош: Бор, бор! М. С. Горбачев Донецк диверда қайта қуриш қандай бораётганлиги билан қизиқди, меҳнатнинг илгор шакллари ва усуллари — ижара, хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш қандай жорий этилаётганлигини, айрим корхоналар даражасида иқтисодий алоқалар мустаҳкамланяптими ёки йўқми, меҳнат коллективлари туғириндаги Қонуи амал қилиптими, йўқми — ана шуларни сўраб-суриштирди.

Ишчилар Михаил Сергеевичга Донбасснинг кўмир саноатини фаолроқ ривожлантириш, регион бағрида ёқил сабзавотларни мавқудлиги сабабли янги шахталар барпо этиш зарурлиги туғиринда гапирди. Мавқуд кўмир корхоналарини реконструкциялашни тезлаштириш, шахтёр масби обрўсини бутун чоралар билан ошириш истагини айтиди, акс ҳолда кўпгина ёшлар турли кооперативларга киришни афзал кўрмоқдалар. Геология шаронларининг ўзгарishi муносабати билан кончилар меҳнати қийинлашгани, янги қудратли техника эса етишмаётгани таъкидлаб ўтди. Уй-жой қурилиши масалалари ҳақини ўткир бўлиб турибди. Ердамчи хўжалиқларнинг кенг шохобчасини барпо этиш керак.

М. С. Горбачев, жумладан Украина меҳнатчилари билан учрашуви «Время» программасида кўрсатилаётган.

нани айтиб, ақти мол, бу суҳбатни СССР кўмир саноати министри М. И. Шчадов эшитиб тургандир, у шахтёрлик қилиб чиқиқдан ишчан одам, деди.

Манфаатдорлик билан ошкора суҳбат бўлди. Суҳбат қатнашчиларининг ҳар бири ўз фикрини айтишни, мулоҳазаларини баҳам қуришни хоҳлайди. Михаил Сергеевич аёллардан бирида ана шундай истакни сезиб, унга муурожаат қилди.

— Сиз нима демоқчисиз? — Мен Енкатерина Егоровна Долганок бўламан, — дейди у, — Сизга катта раҳмат айтмоқчиман. Мен пенсия олама, менга ер беришди. Визинг Донецк дивермида фақат кўмир қазиб чиқарилаётди, бу ерда гуллар ҳам ўсади. Қандай гуллитига бир қараинг. Мен 63 ёшга кирдим. Қайта қуриш, ҳаётимизни яхшилаш мумкин эмас деган гаплар нотўғри. Мен мана шу ерни кавлаб, деярли ярим метр чуқурликдаги тош-шағали олиб ташладим, яхшилаб юмшатдим. Мана энди бу ерда қандай гуллар ўсаяпти!

М. С. Горбачев суҳбатни тугаллар экан, ишчилар синфи қайта қуришни ҳаракатга келтирувчи асосий куч, деб таъкидлади. Партия ишчилар билан маслаҳатлашиб, уларнинг ғайратига ва мададига таяниб мамлакат, бутун совет халқи манфаатларини қўзлаб, жамиятини янгилаш ишини янада кенгроқ авж олдираверади.

(Давоми иккинчи бетда).

МИЛЛАТЛАРА МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Тошкентда регионал илмий-амалий конференция ўтмоқда

23 февраль куни Тошкентда «Ошқоралик ва ижтимоий турмуш демократиялаш шароитида миллатларо муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистоннинг регионал илмий-амалий конференцияси иш бошланди.

Конференцияга олимлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, бир қанча партия комитетлари, идеология министрликлари, идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар тақлиф этилган. Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг махсус ходимлари, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон делегациялари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридagi Марксизм-ленинизм институти ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридagi Ижтимоий Фанлар академиясининг, СССР Фанлар академияси бир қанча институтларининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сек-

ретари М. Х. Холмуҳамедов конференцияни кириш нутқи сўзлаб очди.

Конференциямиз, деди у, КПСС Марказий Комитетининг миллатларо муносабатларни такомиллаштириш масаласини муҳокама қилишга бағишланган Пленумини арафасида чақирилди. Анжуманимиз ана шу соҳадagi жарайларга батамом уйғундир, бу жарайлар эса меҳнат коллективларида, коммунистларнинг йиғиниларида, оммавий ахборот водиталарида фаоллик ва жонқурлик билан муҳокама қилинмоқда.

Бизнинг бу масалада таянгандаги позицияларимиз мустаҳкамдир. Шунинг учун ҳам мустаҳкамки, социализм миллий белгига қараб ҳар қандай зулим ўтказиш ва камситишишнинг, ҳар қандай тенгсизликнинг чуқур сабаблари бартафр этади, пайдо бўлаётган муаммоларни соғлом асосда ҳал этиш

имкониятини беради, бунинг ўтган йиллар тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Аммо биз ижтимоий тузумимизнинг чинакам тарихий зафарлари ҳақида гапирар эканмиз, биз уларни имконият чегараси, деб эмас, балки яна олга қараб боришимиздаги бир бошқиб, деб билмоқдамиз.

Биз миллий масалани ўтмишдан бизга қай тарзда мерос бўлиб қолган бўлса, ўша тарзда ҳал этиш ҳақида ўз вақтида жуда кўп ва умуман туғри гапирдик. Амалда эса, бу соҳа ҳалол ва амалий таҳлил учун ёниқ бўлган соҳага айланиб қолди. Биз бу масалага етарли ҳақ эътибор бермай, унутиб қўйган ҳолларимизда эса, у ўзини сезиларли тарзда эслатиб турди.

Ошқоралик ва демократиялаш неча йиллардан бери етилиб келган кайфиятлар намойи бўлишининг сабаби эмас, балки шартидир.

Шу бондан ҳам миллатларо муносабатларда маълум чигалликларга имконият яратган жаъми омилиларни чуқур идрок этиш, ҳақорий муаммоларни тўғиб чиқарилган фарқлар билан зарур бўлади. Бу ўринда шунини эътиборда тутиш жуда муҳимки, миллий муаммолар соф ҳолда юзага келмайди, бу муаммолар иқтисодий, социал, маънавий ва бошқа муаммолар билан чамбарчас боғлиқлик кетган.

В. И. Ленин куйидагиларни таъкидлаган эди: «Турли миллатларнинг манфаатлари га жуда катта эътибор берилгандагина ижтимоийларга сабаб бўладиган замин йўқолади. Ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай физик фасод хавфи йўқолади, шундай ишлов, айниқса, турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдирадигини, бунингсиз халқлар орасида тинч муноса-

батлар бўлиш ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас».

Конференциядаги булажак суҳбат муаммоларини яна ҳам чуқурроқ таҳлил этишга, уларни демократик негизда ҳал этишининг йўллари коллектив бўлиб йилдиришга, миллатларо муносабатларни уйғулаштиришга қаратилган тақлифларни илгари суришга ёрдам беради, деб ишонч ихор этилди.

«КПСС XXVII съезди ҳамда демократиялаш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётни қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда миллатларо муносабатларнинг такомиллаштириш мавзусида доклад қилиш учун сўз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишоновга берилади (доклад газетанинг бу-

гунги сонида эълон қилинмоқда).

«СССРда миллий муносабатларнинг ривожланиши: тенденциялар, таъриба, муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида КПСС Марказий Комитети Давлат ҳуқуқ бўлими миллатларо муносабатлар кичик бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Сазонов доклад қилди. Қозғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари У. Ж. Жонобеков ўзининг қўшимча докладда меҳнатқашлар оммасини интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга партия раҳбарлиги ҳақида, гапирди.

Социал адолат — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Д. Дурдыевнинг қўшимча докладда жамият тарқиқетининг ҳозирги босқичда кадрлар тайёриши амалга оширишининг миллий жиҳатлари ёритилди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов «Мамлакат турли регионларда социал-иқтисодий тараққиётлари даражаларини тенглаштириш — кўпмиллатли Совет давлати бирлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир» мавзусида қўшимча доклад қилди.

СССР Фанлар академияси тарих институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Л. У. Юсуповнинг докладда капиталистик босқичнинг четлаб, феодализмга социализмга ўтган регионларда миллий муносабатлар ривожланишининг ўзига хос хусу-

сиятлари туғиринда гапирилди. Қирғизистон Компартияси Ўш область комитетининг секретари С. В. Баҳаповнинг қўшимча докладда жамият тарқиқетининг ҳозирги босқичда кадрлар тайёриши амалга оширишининг миллий жиҳатлари ёритилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридagi Марксизм-ленинизм институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори А. И. Дорончиков миллатларо муносабатларини, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясини бошқарилишининг илмий ва методологик асослари туғиринда гапирди.

Қирғизистон ССР навириетлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат институтининг раиси В. Рискаев «Тенглик ва ҳамкорлик — дўстлик ва қардошлиқ негизидир» мавзусида доклад қилди.

24 февраль куни конференция ўз ишини давом эттирди, секцияларнинг мажлислари бўлади. (ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТимоий ҲАЁТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРА МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Р. Н. НИШОНОВ доклади

Ўрғочлар! Аввало, сизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сизидан кутлаган яқин бергайимиз.

Конференциямиз партия ва халқ ҳаётидаги иқтисодий масъулиятли даврда ўтмоқда. Ҳозир мамлакатда жамиятимизни ҳар томонлама революцион ўзгартириш юзасидан ўз миқёсларига кўра жуда катта иш авж олиб кетди. Қайта қуришнинг новаторлиги гоилари ва ишлари таъсиринда янгиланиш кучлари жиқлашмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар, интеллигентлар куч-ғайратини барқ урмоқда.

Демократиялаш ва ошқоралик голий-сиёсий ва ижтимоий вазиетни тубдан ўзгартирмоқда. Ҳақиқатнинг қа-

дор топиши маънавий муҳитни покламоқда, актив фаолиятни рағбатлантирмоқда. Экономикани соғломлаштириш жарайни, уни одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга буриш бошланган. Маънавий ҳаёт тараққиётининг қудратли омилига айланмоқда.

Қайта қуриш — кўп қиррали, узоқ муддат давом этадиган ва индийли жарайни эканлиги ҳам равшан бўлиб қолди. Миллатларо муносабатлар партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ҳаминча диққат-эътиборини талаб этадиган ижтимоий ҳаётнинг жуда мураккаб комплекс соҳасидир.

Партиямиз тарихи топа ётган ваазиятга хўшбўлиб билан баҳо беришда, КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган, барча халқларнинг манфаатларини қондиришни мамлакатнинг умумий манфаатлари ва аҳтёжлари билан пайванд этиладиган сиёсий йўл негизда миллий сиёсатнинг ленинча принципларини собитқадамлик билан қарор ортирмоқда ва иқидий ривожлантирмоқда. «Миллатларо муносабатлар туғиринда» махсус резолюция қабул қилган XIX Бутуниттифок партия конференцияси ҳозирги даврдаги миллий сиёсатни назарий ва амалий асослаб, жуда

катта қадам ташлади. Совет давлати қарор топиши ва тарқиқетининг бутун тарихи миллий сиёсат, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва халқлар интернационал жиқлашувининг пойдеворини қўйган В. И. Лениннинг доҳияна башорати аққол тасдиқлаб турибди. Улут Октябрь социалистик революцияси галабасидан кейин миллатлар ва элатларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги Ўрта Осиё халқларининг социализмга тараққиётининг капитализмга босқичини четлаб ўтишда жуда катта роль ўйнади. Партия миллий зулмин парчалаб ташлаш, миллатларо

нифоққа бардам бериш, миллий маданиятларини тиклаш ва ривожлантиришда жуда катта иш қилди. Мамлакатда совет халқларини бирликтирининг моддий негизи бўлган яхлит халқ хўжалиги комплекс таркиб топди. Қатъий билан қилинган голий-тарбиявий иш натижасида миллион-миллон кишилар онгда интернационализм гоилари мустаҳкам қарор топди, бу гоилар оғир синовлардан ўтди ва давр суронларига бардош берди.

Булар, шўбҳасиз, бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Аммо шунга қарамастан ҳеч ким мамлакатимизда миллий масала кўн мартабидан тула

ва узил-кесил олиб ташланди, деб таъкидлашга журъат қилмас керак. Бир давлатда жуда кўп миллатлар ва элатлар яшаб ҳамкорлик қилаётгани фантининг ўзини муаммолар ва масалалар келтириб чиқаради. Ўтмишда миллий муносабатларда йўл қўйилган бузилишларни ўғилаб олиш учун кўп иш қилишга туғри келади.

Миллатларо муносабатларда нозик ва қалтис масаланинг ўзига хос ҳам умумиттифок, ҳам регионал, ҳам маҳаллий жиҳатлари борлиги равшандир. Вошқалар билан бир қаторда Ўрта Осиё ва Қозғистон республикалари мамлакатининг иқтисодий-социал ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб турибдилар, ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми бўлган бу республикалар умумдавлат вазибаларини ҳал этишга ўз хиссаларини яна ҳам кўпайтириш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Бу ҳиссаи қай йўсинда кўпайтириш, партияимизнинг «кучли марказ ва кучли республика» деган шioriини қай таҳлилда амалга ошириш керак? Региондаги ҳар бир республикага хос бўлган иқтисодий, социал, экологик, демографик муаммоларни ва бошқа муаммоларни қандай

лиқалари мамлакатининг иқтисодий-социал ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб турибдилар, ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми бўлган бу республикалар умумдавлат вазибаларини ҳал этишга ўз хиссаларини яна ҳам кўпайтириш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Биргилликда муҳокама қилиш зарурати етганда бошқа аниқгина масалалар ҳам бор. Бу миллатларо муносабатларни такомиллаштиришга, дўстликнинг ва қардошлиқнинг мустаҳкамлашга, ҳамжиҳатликнинг янада яхшилашга, ягона кўп миллатли Совет давлати доирасида жиқлашнинг ишига хизмат қилди, деб ўғилаймиз.

(Давоми учинчи бетда).

САМАРАЛИ ХЎЖАЛИК ЮРИТИБ, ЮКСАК ПАТИЖАЛАРГА ЗРИШАЙЛИК

(Давоний, Боша биргичи бетда).

«Донецкгормаш» ишлаб чиқариш бirlашмасининг адреси бутун мамлакатимиз шахтёрларга таниш. Деярли ҳар бир шахтада, ҳар бир разрезда, ҳар бир конда ва марберда шу корхона махсулотидан фойдаланилмоқда. Ана шу техниканинг салкам 85 проценти жаҳоннинг юксак стандартлари даражасида ишлаб чиқарилган. Техника муттасил экспорт қилинаётганининг сабаби ҳам ана шулар. Илмий марказга кулратили ишлаб чиқариш базасига, ажойиб кадрларга эга бўлган корхона хўжалик ҳисоби шартинда тобора дадилроқ ҳаракат қилмоқда.

Корхона бош директори В. Ф. Осмерник М. С. Горбачевга бирлашма экономикани тубдан қайта қуришнинг дастлабки натижалари ҳақида сузлаб берди. Кўп нарса айтишнинг сари сезиларли ўзгариш бормоқда, деди у. Энг муҳими — меҳнат уюмдорлиги ошмоқда, махсулот танарики сезиларли даражада камайди. Корхонада одамлар ўзларини хўжаликнинг ҳис эвазига бошлади.

Бирок коллектив тула қо...

ниқмалити. Масалан, иқтисодий иқлолот бироз тўхтаб қолаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Фақат бир ми- сундан сўз қилишимиз керак: ўтган йили бирлашма 11 миллиард сўм фойда олди. Шундан корхона эҳтиёжлари учун атиги 4,5 миллиард сўм қолдирилди. Шундай бўл- латинда, хўжалик ҳисоби ўз йўлига-ю, аммо у билан ёна-ён олдинги молиявий жиҳатдан қат- тик марказлаштириш сис- темаси амал қилмоқда. Хў- жалик ҳисобининг иккинчи модели ҳам бундай «қўшиқ»- дан тула кутқара олмайди.

Бирлашмада ривожланиш- ни аниқ, пухта ўйланган про- граммаси бор, бу программа давлат корхонаси тўғрисида- ги Қонунга таянади. Меҳнат коллективни ўзига берилган кенг ҳуқуқлардан фойдалани- шини ўрганмоқда. Бундай шарт- нда «юқоридан» раҳбарлик қилишнинг буғруқ- боқлик усуллари, иқтисодий маҳамачилик зўравонлиги ярашмаслиги аниқча ра- шан бўлиб қолди. Машина- селларнинг ўз ташиқ савдо фирмасини тузиб, ишлаб чи- қаришни тубдан модернизаци- ялаш учун жуда зарур бўлган валютани ўзлари иш- лаб топши юксак бор.

Хўжалик ҳисоби ўзига қи...

Янгилик билан ва можа- роқ орқали йўл очиб бормоқ- да. Машинасозлик экономи- ка, хўжалик жиҳатидан му- с- тақиллик нималигини сезиб қолдишди. Масалан, чўйи қу- йиш цехи коллективни ижара- га ўтди, бирлашма институти ҳузурда дастлабки коопера- тив тузилди, бу кооперати- в техникага сервис хизмати кўрсатиш ташвишларини ўз зиммасига олди, хўжалик усули билан қуриш ривожла- ниб бормоқда.

М. С. Горбачев бирлашма билан танишар экан, Украина Ленин комсомолни номи- даги Донецк машинасозлик заводида бўлди. Бирлашма- ни бу бош корхонаси кўш- тим арқили қўтариш маши- налари, ўрта класс ротор комплекслари, катта венти- ляторлар ҳамда кў ортувчи транспорт воситалари ишлаб чиқарадиган мамлакатдаги бирдан-бир корхонадир.

М. С. Горбачев ишчилар билан суҳбатда ишлаб чиқар- иш масалалари, хусусан хўжалик ҳисобини жорий этиш, хўжалик шартномаси мажбуриятларининг бажари- лиши билан қизиқди. Корхона- лар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳамжиҳатлик ва меҳнат коллективларининг, улар раҳбарларининг

юксак масъулияти негизда амалга оширилиши лозим- лигини таъкидлади.

Михайл Сергеевич тармоқ институтларининг ваифа- рали тўғрисида гапирди, улар ишлаб чиқаришни қай- та қўришда, долзарб техника- вий, технологик масала- ларни ҳал қилишда ердан берили лозимлигини уқтир- ди. Тармоқ фанини корхона- лар ишнинг конкрет на- тижалари билан боғлиқ қи- либ қўйиб керак. Баъзи тар- моқ институтлари йилда ҳеч қандай махсулот бер- мади, ҳеч қандай илмий иш- лама қилмади, олимлар ва мутахассисларга иш ҳақи эса кечиктирмай тўлаб ту- риларверди, деди у. Бу иш- ни хўжалик ҳисоби, пулрат муносабатларини жорий этиш орқали ўнглаб олиш керак.

Овоз: Сизнинг келиши- нингиз жуда кутдик, Михайл Сергеевич!

М. С. Горбачев: Мана энди учрашиб туримиз.

Овоз: Биз қайта қуриш тармақлари эканлигинини айтмоқчимиз. Энди илмий аҳли бормоқда. Кимки яхши- роқ ишласа — яхшироқ яша- моқда.

М. С. Горбачев: Мана шу

жуда тўғри, бу — энг муҳи- ми. Ҳаммаси жўнгина: тур- муш даражаси — меҳнатга яраша. Яширишни ҳожати йўқ, биз эса бу принципдан саноатда ҳам, қишлоқда ҳам анча чекиндик. Шу сабабли турмуш меҳнатга яраша бў- лувчи лозим. Агар одам, бу- тун коллектив ишлаш ола- си, кўпроқ пул ишлаб топавер- син.

М. С. Горбачев ишчилар- дан меҳнат шартини, раҳбар- лар билан ўзаро муносабат тўғрисида батафсил сураб- суриштиради, одамларга ба- ҳо беришда чуқур, ҳолисона ва конкрет иш тутишни мас- лаҳат беради. Савдо соҳа- сидаги камчиликлар, кенг ис- тетмоқ молларнинг етиш- маслиги, ана шу муаммолар- ни ҳал этиш йўллари ҳақи- да ҳам гап борди.

Майдонлардан бирга ўр- натилган ёлдорликни Донецк аҳолиси шахарнинг ўзига хо- рами, деб ҳисоблайди: ҳай- каллар группаси марказида кўмир бўлагини қўтариб тур- ган шахтёр тасвирланган. Кўмир — исқиндик, нур, ҳаёт манбаидир. Аммо До- нецнинг машҳур кўмирини қазиб чиқариш осон эмас: кўмир конлари тобора чу- қурлашмоқда, кўмир қат-

ламлари юпқалашмоқда, эс- кирган шахталар тубдан ян- ги- ланиш талаб қилмоқда. Кўминча бригадаларда сама- лар ва ишончли техника етишмаслиги. Бироқ ана шу- ндай мураккаб шартинда мам- лакатнинг Европа қисмига олий кондиядаги ёрилги етказиб бераётган ҳавзанинг улуши камаймаслигини учун одамлар қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Кўминча коллективлар ер- остидан ҳароратнинг юқори бўлишига қарамай, жуда чу- қур конлардан йилга 500 ми- нг тонна ёрилги қазиб чи- қаришга муваффақ бўлмоқ- далар. В. С. Кузнецов брига- дадаси эса «Краснолиманск» шахтасида битта за- вобдан муттасил миллион тоннадан кўмир қазиб чиқар- моқда.

Кўмир қазиб чиқарувчи- лар бошқарувнинг иқтисодий усуллари тобора кўпроқ эгаллашмоқдалар. Бундай усулларга ўтиш бу ерда умум- лан тармоқда хўжалик ҳис- оби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш жорий эти- лишидан анча олдин бош- ланган. Сўнгги йилдагина хўжалик ҳисоби асосида иш- лоқ коллективларда банд бўлган одамлар сониники ба- рабар кўпайди. Доброполь.

Красноармейскдан, «Октя- брьуголь» ишлаб чиқариш бirlашмасидан яхши хаба- рлар келмоқда, у ерда хўжа- лик ҳисобининг коллектив- ларни ишнинг пировард на- тижаларига йўналтирадиган иккинчи моделини қўллашни- да тўпланган тажриба тез умумлаштирилмоқда, тахлил қилинмоқда.

Жанубий Донбассдаги би- ринчи сонли шахтада эса бундан ҳам ўзини кетишди: ижара пудратини жорий этишди. Унинг дастлабки натижалари қандай? Кўмир қазиб чиқариш, унинг ор- тидан иш ҳақи кўпайди. Яхши намуна қанот ёмоқда. Хо- зирнинг ўзидаёқ бешта бри- гада ижара ҳақида шартно- ма тузди. Бу бригадалар кў- мир қазиб чиқариш бутун ҳажмининг учдан икки қис- минини ўз зиммаларига олди- лар.

Шу билан бирга кончи- лар ҳал қилинмаган масала- ларни равшан қўриб туриб- дилар, бунинг устига улар- нинг қийинчиликлари ҳали ҳам оз эмас. Машинасозлар уларга техникани тўлиқ ет- казиб бера олмадилар, ва- холонки, ҳозир техникаси қолмас, ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Уй-жой қурилиши

орқанда қолмоқда. Кончи- ларнинг ўн миңгаб оилалар- ни квартира олиш учун на- бат қилиб туришибди. Мана шуларнинг ҳаммасида Дон- басс кўмир кончиларнинг эҳтиёжларига эътибор етиш- маётганлиги сезилмоқда, Донбасснинг имкониятлари ҳали асло тугаган эмас, би- рок урни ривожлантириш- нинг янги омилиларини то- пиб, рўёбга чиқариш керак.

КПСС Марказий Коми- тетини Сибсий боровсининг аъзоси, Украина Компартия- си Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шербирский, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Украина Компартияси Донецк область комитетининг биринчи секретари А. Я. Винник М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

Кечқурун М. С. Горбачев Киевга қайтиб келди.

ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ ПОТЕНЦИАЛ ЖАМИЯНИ ЯНГИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

М. С. Горбачевнинг Львов шахри илмий ва ижодкор зиёлилари билан учрашуви

Илгари хабар қилингандек, 21 февраль куни М. С. Горбачев Львов шахрида илмий ва ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашди. Халқ манфаатлари- нинг кўзлаб, моддий, маъна- вий, ахлоқий қадриятларини, жумладан бой маданий меросини сақлаб қолш ва ундан фойдаланиш йўллари тўғрисида кўпдан кўп ма- салалар батафсил муҳокама қилинди.

Учрашувни Львов область партия комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребняк очди.

УССР Фанлар академияси фарбий илмий марказининг раиси, УССР Фанлар академиясининг академиги Я. С. Подстригач биринчи бўлиб сузга чиқди. У Украинанинг фарбий областларини ССРСР составида Совет Украина- сига қайта бириктиришнинг катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади ва бу воқеани тарихий адолат тановаси деб атади. Бунинг сиёсий ақуаллиги бугунги кунда ана ҳам яққол сези- либ турибди.

У бундан яна асп илгари рўй берган аш шу воқеанинг натижаси бўлиши одамлар турмушидаги социал ва иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида гапирди. Ҳозир Львовда академиянинг туртта институти, олий ўқув юртиялари, тармоқ институтларининг бўли- млари ва филиаллари ишлаб турганлигини айтди.

Регионнинг кўпгина муам- моларини бутун мамлакат муаммоларига ҳамоҳидликда, Аммо бу борда ўзига хос хусусиятлар ҳам бор. Чу- чунки сув ресурслари тақ- қилини саювет ишлаб чиқар- ишнининг ўстириш имкония- тларини теклайди. Бундан ташқари регионда ҳозирнинг ўзидаёқ илгиримга яқин химия корхонаси бор.

Нотик Карпат тоғи ҳозир- ги вақтда мамлакатнинг учта кўп бўлмаган экология жиҳатидан соф жойлардан бири эканлигини таъкидлади. Карпат тоғининг одамлар соломатлигини тиклаш имкония- тларидан бутун мамлакат манфаатларини кўзлаб хали тўла-тўки фойдаланилма- гапти. Минерал сувнинг бир неча юз мабларининг салкам ўндан бир қисминдан фойдаланилмоқда. Туризмин, спортнинг ваги ва қишки турларини ривожлантириш — Карпат территориясидан давлат миқёсида фойдаланиш имкониятларидир.

И. Франко номили Львов давлат университетининг ректори профессор В. П. Чугаев ўз нутқида шундай деди:

Мен кеска алоҳида маъсу- баман, Улуу Ватан урушида қатнашганман. Аммо ёшлар тўғрисида гапирмоқчиман. Университетимизда ўн икки миң ҳарбий йигит ва қиз ўқийди. Улар менинг фарзандларим. Енгилмаида йигирма миңдан ортиқ студент таълим оладиган политехника инсти- туди жойлашган. Улар ҳам бизнинг фарзандларимиз.

Ҳар кунги улар билан муло- қотда бўлар эканман, ёшлар қайта қуришни фаол ёлғаб чиқаришнинг қувват биланман. Биз эса биларни ҳар томон- лама кўлаб-қуватлашимиз керак. Биз фарзандларимиз, набираларимиз учун жанг қилдик, мамлакатни қайта тикладик. Ҳозирги қайта қу- риш даврида янги жамия- тини эса улар барпо этиди- лар. Сиз, Михайл Сергеевич, шаҳар кўчаларида ана шу ёшларни, уларнинг келажак- ва бўлган гайрат-шижоатини кўрдимиз. Қайта қуриш — амалий иш бўлиб, уни энди орқага қайтариб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда еш авлодининг фикрларини, бутун янгилик- ни қабул қилишда шиддатли қайта қуриш содир бўлмоқ- да. Ёшлар таркиб топанг эс- кича қарашлардан воз кечи- моқдалар, бошқача иш юри- тиш кераклигини тушуниб етмоқдалар. Биз кеска авлод эса бунда ёшларга ёрдам беришимиз зарур.

Сўнгра нотик мамлакатнинг ташкил топганига уч юз йигирма саккиз йил бўлган энг кеска университетларидан бири — Львов уни- верситети студентларининг бундан бир неча йил илгари атиги 48 проценти ётоқхона билан таъминланганлигини айтди. Ҳозир эса область партия комитетининг ёрда- ми туғайли университетда таълим олаётган ҳар бир студент ётоқхона билан таъмин- ланган. Айни пайтда еш оилалар алоҳида хонага егадир- лар.

Нотик илм-фани, илмий тараққиётни олга томон сил- житиш учун олий ўқув юр- тларини ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш зарурлиги- га эътиборини қаратди.

Аммо олий ўқув юрти — касб ағаллаш маскан бўлиб- гина қолмай, балки муайян даражада маданият маркази ҳамдир, деб таъкидлади у. Шу жиҳатдан олганда уни- верситет кутубхонасининг бир миллион жилд китоб сақлашга мўлжалланган китоб омбори биринчи навбатини қурилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бунинг учун маблағ қидириб топш Украина ССР Министрлар Советига осон бўлмаганли- гини биланман. Лекин китоблар — халқнинг жуда катта мулк эканлигини, ўтмиш қадрига кетган, бугунги кун- да эса биз билан тирилар- дек гашлабга татан ва бизга кўп нарсаларни ўргатаётган кишиларнинг фикрлари эканли- гини тушуниб, ҳар ҳолда маблағ тоғдилар. Биз ҳозир- ги шимизда оёқсизга, қад- дам-бақадам боришимиз, В. И. Ленин ўргатаётган, бир маромада олга томон қи- лган тапашимиз керак. Биз эса бу нинда ёрдам берамиз. Биз ўзининг қайта қуришга кўплайдиган ҳиссамизни мана шунда деб биланман.

СССР Раёсатлар союзи Львов ташкилотли правление- сининг раиси, УССРда хиз- мат кўрсатган саябат арбе- би, ҳайкалтарош И. А. Садовский Львовнинг маданий потенциалини авайлаб сақла- ш тўғрисида гапирди. У шаҳар бой тарихий қадрият- ларга, шу жумладан қўлдан-кўп меъморий ёдгорликларга, ётоқ миннат қадимий исо- на, ётоқ ҳайкалларга эга эканлигини назарда тутиб, Львовнинг умумий ҳисоб кў- ламидани қўриқхона деб эъло- лон қилишни тақлиф этди. Биз маданият арбоблари билан бу учрашув — Львов области, Украина учунгина эмас, ўйланамиз, бутун мамлакат учун ҳам катта воқеадир, деди у. Одамларни маънавий қадриятлар руҳи- да тарбиялаш — бунинг ва- зифамиздир. Бизда, Украина- да маданиятнинг моддий ба- засига катта аҳамият берила- моқда. Чунонки, биз ўз об- ластимизда область партия комитетининг кўма- гида «Маданият» об- ласт программасини ишлаб чиқдик. Бундай программа ҳар бир районда тузилади. Биз, маданият арбоблари, ўзининг қайта қуришдаги иштирокимизни мана шунда деб биланман.

Менинг назаримда, умуман мамлакатда қайта қуриш фаол амалга оширилмоқда, деди Совет маданият фонди Львов бўлими правление- сининг раиси, амалий ва ман-

зарали саябат институтининг ректори, УССР халқ раёсоти Э. П. Мисюко. Бу ҳамма жойда сезилмоқда. Институтимизнинг ташкил этилиши ҳам қайта қуришнинг амалий натижасидир. Одам замида ўз ўзини ҳис- этиши, у қаердан келиб, қа- ерга бораётганини билиши муҳимдир. Шу туғайли у барча бошқа масалаларга ўз- гача муносабатда бўлади. Бундай позицияни белгила- шда маданий мероснинг роли беқийсдир.

Нотик маданиятнинг мод- дий базасини мустаҳкамлаш масалаларига тўхтади. Ўт- ган йиллар давомида Львов- да ҳам концерт зал қурил- мади. Ваҳошонки, шаҳарда моддий мададга муҳтож бўл- ган жуда катта ижодий куч- лар бор.

Бу ерда чиқадиган «Жо- втеб» журналининг бош ре- дактори, ССРСР Олий Советининг депутаты, Ўзбеки- рокан Федоров ўз нутқини Украин тилининг давлат тили бўлишига бағишлади.

Уруш ва меҳнат ветеран- лари Львов кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳ- рамони Д. Г. Бачинский Со- вет давлати халқро кулол- сизланиш соҳасида катта ишлар олиб бораётганлиги учун, мураккаб Афронсон муаммоси ҳал этилганлиги учун М. С. Горбачевга, бар- ча совет раҳбариятига са- мимий миннатдорчилик бил- дирди. Мен ўзини ўтган урушнинг бошдан кечирган- ман, деди у. Шу бондан уруш одамларга қанчалик кўп қайта-олам келтирилгани- гини ахши биланман. Нотик ветеранлар ҳаракати маса- лаларига тўхтади, ўз куч ва саломатлигини Ватан учун фидо қилган, фронтда мардона жанг қилган ки- шиларнинг қўлчилиги дав- латнинг, жамоатчиликнинг ёрдамига муҳтож эканлиги тўғрисида гапирди. Ветеран- лар бундан буён ҳам ўзла- рининг бутун бой ҳаётий тажрибасини ёшларни совет ҳалқининг шояли ва меҳнат анъаналари руҳида тарбия- лаш ишига бағишлайдилар.

Республикадаги тарих ва маданият ёдгорликларининг анча қисми Львов области- да жойлашган, деди ўз нут- қида шаҳардаги М. Занько- вецкая номили театрининг артисти Л. Х. Қодирова. Ана шу бебаҳо ёдгорлик- ларга ҳали етарли эъти- бор берилмапти. Уларни таъмирлаш учун маблағлар етишмайди. Меҳмонларимиз шаҳарда қандай деб архи- тектура ансамбллари борли- гини қўришди, бироқ вақт ўтиши билан ишон ақл-за- увати самарасиз бўлган ана шу ижод намуналарини айро- н бўлмоқда. Биз Львов шахри қўриқхона деб эълол қили- ладиган республика хўку- мати маъмур масала юзаси- дан махсус қарор қабул қи- лганини истайми.

Украина Театр арбоблари союзи Львов областларо бўлими правлениесининг раиси, УССР халқ артисти Ф. Н. Стригуа Львовда ачагина театр, музей, мада- ниет уйлари борлиги тўғ- рисида гапирди. Аммо хо- зир микрорайонларимиз эмас, шу билан бирга шаҳарнинг марказий қисмида ҳам янги, замонавий мар- казлар бўлиш зарурлиги янда қўйиб сезилмоқда. Бунда кўпгина ташкилотлар- нинг куч-гайратини бириш- тиришни таъзао етатган му- аммолар вужудга келмоқда. Шаҳарни қуриш практикаси тарихан шундай таркиб то- панки, ҳозирги вақтда шй-

ҳар марказида янги театр қуриш учун жой ақратиб имконияти йўқ. Ҳозирги мактаб театрлари, жумла- дан Совет Армияси театри- ни таъмирлашда ёрдам бериш зарур.

Машҳур композитор, Ук- раина ССР халқ артисти, Н. В. Лисенко номили Львов давлат консерваториясининг профессор-консультанти Н. Ф. Колесса львовликларнинг кеска алоҳида мансубдир. Ҳар бир қишининг тақдир, деди у, қувончли ва фожи- ай воқеалар билан боғлан- ган. Аммо шундай кечима- лар ҳам бўлади, улар бир умр ёлда қолиб, қалбдан чи- қур ўрин олади. Масалан, деришмада Австро-Венгрия ҳукмронлиги, буржуа Польша ҳукмронлиги, фашист- лар босиб олган машғум ке- ча менинг ёдимдан чиймай- ди. Улуу Галабагинг қув- ончли куллари эсимда. Де- ни ҳақиқатан ҳам умрининг охиригача эсимдан чи- қармайдиган воқеа бор. Бу Украина барча ерларини ято- на давлатга бириштирилди- шидир. Ота-боболарни шу ҳақида асрлар бўйи оруз қи- лган эдилар. Мен кеска одам- ман, бироқ бахтли одам бў- либ ҳаётдан кўз юмаман. Мен мамлакат экономикаси- да, маданиятида ва тур- мушининг бошқа соҳалари- да улгувор янгиликни би- лан ниҳонсизга етадиган ёруғ куллarga етиб келдим.

Львов ёзувчилар ташки- лоти правлениесининг раи- си, шоир Роман Лубинский саябатдош ҳаммасларининг фикрини давом эттирди. У шундай деди: 1939 йилда бир вақтлар ҳўқуқсиз бўл- ган Фарбий Украина халқи қаршот ёзиб эришликка эришти. Биз улгувор воқеа рўй берди, деб ҳисоблаймиз ва бунда мени ҳаммасларим ва дўстларим кўлаб-қуват- ланишни истайман. Қайта бириштириш — янги имкония- тларга эга бўлган халқнинг бирдамлигидир. Ҳозир Габ- даги муҳлифларимиз ана шу воқеани қайта биришти- ш эмас, балки қўшиб олиш, деб атамоқдалар. Йўқ, халқ вечасида, халқ янгиликда рўй берган ҳамма нарса жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Халқ ана шу тарихий ҳужжати сиёсий адо- лат йўлидаги ноёб имконият, деб маъқуллаб кутиб олди.

Совет ҳокимияти, деб да- вом этди нотик, бахт-саодат- ли бўлишни учун мефта ҳам- ма нарсани берди. Менга бошқа ҳокимият даркор эмас.

Ғарбдаги сиёсий обьяне- тель ва баъзи қўшиқларимиз мана шу масала хусуси- да турли ёлгон-ийшиларни тарқатиб, одамлар орасида бир-бирига ишонсизлик уру- гини сепоқдалар. Биз украинлар, руслар, арманлар, чехлар, словаклар эса мана шу заминда ақил оила бў- либ яшайми.

Нотик маданият ёдгорли- кларини сақлаш муаммолари- га тўхтади. Халқнинг му- наққас дурдоналарига ошно- лик инсонни улуглайди, унинг қалбини мушофао ета- ди ва маънавий бойитди.

Шахсий пенсионер И. И. Сторовик шундай деди: мен 1939 йилнинг кунда аҳоли халоскор Совет Армиясини қанчалик қувонч билан кут- тиб олганлигини, Фарбий Украина ерлари Совет Ук- раинасига қайта биришти- рилганлиги тўғрисидаги қар- рор халқ йнгиликда қи- линганлигини ахши эслай- ман. Бунда улкан революци- он потенциал намён бўлди ва унинг асосини комму-

нистар ташкил этди. Бирок Фарбий Украина Ком- мунистик партиясининг роли тарихда ҳозирча муносиб ифодасини топмади. Ана шу «оқ доғлар» барҳам бериш учун Украинанинг янги эмас, Совет Иттифоқи- нинг тарихчи олимлари ҳам куч-гайратларини биришти- риллари зарур. Фарбий Ук- раинанинг ягона Совет дав- лати қайта бириштирил- гилини муҳим воқеа эканлиги тарихий адабиятда ўзининг муносиб ақсини то- пиши керак. Бу эса келажак авлодларни тарбиялашда жуда катта рол ўйнайди.

Регионимиз олимлари эришган энг муҳим ютуқ- лардан бири фундамен- тал илм-фанининг ривожлан- ганлигидир, деди УССР Фанлар академияси физика- механика институтининг ди- ректори, Украина ССР Фанлар академиясининг академи- ги, область «Билим» жамия- ти правлениесининг раиси В. В. Панасюк. Москвалик- лар ва Ленинградликларнинг ёрдами туғайли кудратли илмий-техника потенциал вужудга келтирилди. Бу халқларимиз ўртасидаги дўстликни яққол асқ етти- ради. Нотик Совет ҳокимия- тининг эзлик йили мо- байнида Украинанинг фарбий областларида улкан илм-фан вужудга келтирилганлигини таъкидлади. Бу бизнинг тарихий галабамиздир.

Улкан тарихида ялғи бор табиий фанлар соҳаида илмий тадқиқот институтини янгилаш бошланди. Юқори маалакли кадрлар мамлакат миқёсидаги илмий-техника лойиҳаларини ҳал этишда, масалан, Марсни тадқиқ этишга оид ҳўқуқ эспе- риментда қатнашмоқдалар. Бундан ташқари биз бугун- ги кундаёқ қайта қуришга хизмат қилаётган илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртаси- даги ҳамкорлигини самара- ли формаларини қидириб топдик. Махсулотнинг янги турларини — жонсизларни емирландирган асбоблар ярат- дик, металл конструкция- ларни коррозиядан ҳимоя қилишни ўргандик.

Нотик фундаментал илм- фан ўз ривокини жадаллаш- тириш учун бюджетдан мах- сус маблағ ақратилин таъзао этишнинг таъкидлади.

М. С. Горбачев учрашу- ва яқун ясаб шундай деди: Мен бўлиб ўтган суҳбатдан хурсандман. Биз турмушининг барча соҳаларини тубдан қайта қуриш, янгилик зару- рлиги дуч келган ҳозирги босқичда жамиятни ҳар то- монлама тушуниш биз учун гоёт муҳимдир. Бу бизнинг умумий фикримиз.

Сибсада, менинча, ик- кита муҳим жиҳат бе- ланиши керак, жамият ке- лажакини олдиндан прогно- з қилиш, уни илмий маълу- мотлар асосида ривожланти- ришни ва халқни маънавий бойитишни олдиндан кўра билдиш шарт. Бунинг ўз тажрибамиз ва умумийсоий тажриба бугунги кунда биз нималардан халос бўлиши- ми зарурлигини, бунёд этилган нарсалардан келгу- си авлодларга нималарни қолдиришимиз ва ўзимиз нималарни сақлаб қолшимиз зарурлигини кўрсатиб берти- моқда. Биз ўз режаларимиз- ни нимага асослаиб тузаёт- ганлигимизни, қандай маъна- вий заминга таянаётганли- мизни билишимиз керак.

Биз ҳозирги босқичда таъкид, ўзини ўзи таъкидла ва тахлит асосий эътибор берилмади. Бу бизга бугун- ги ва айниқса эртанги кун- ги учун зарурдир. Биз келажак режаларини тузаётган эканмиз, илгари бизнинг жамиятимиз-

гина эмас, балки бутун ин- соният бунёд этган ҳамма ях- ши нарсаларни ҳисобга оли- миз. Мен ўтмишга қандай муносабатда бўлиш керакли- ги тўғрисида кўп мунозара бўлаётганлиги учун шу ҳа- қада гапирманман. Баъзи би- ровлар биз ўтмишга муноза- ра қилиб ҳамда ўша давр- нинг салбий ҳолатлари ва фактларини кескин танқид қилиб, босиб ўтилган бутун йўлни гўё қоралаш билан шуғулланишдан барча Бошқалар ўтмишдан барча ҳаракатларимиз деярли ха- толардан иборат, деб тахмин қилмоқдалар. Мен ҳар икка- ла фикр қилдир фикр эмас, деб ўйлайман. Босиб ўтган ҳаётимиз, тарихимиз ҳозир- ги авлодлар учун эришилган муваффақиятларимизни, биз- ни шундай тарбиялаган нарсаларни, ўзимизни қандай бўлсак шундайлигимизча аниқлаш ваифасини қўйди. Биз буларнинг ҳаммасини бизга ҳалақат берган, жамия- тимизни, ташаббусимизни, фикримизни бўғиб қўйган, йўлимизда қийинчи

